

ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИ СИФАТИДА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7663220>



ELSEVIER

М.М.Аҳмедов

ФарДУ доценти, техника фанлари номзоди

С.М.Рўзиматова

ФарДУ технологик таълим кафедраси ўқитувчиси,

А. Йўлдашев

ТДПУ Професионал таълим факультети талабаси.



Abstract: Ушбу илмий мақолада умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг педагогик тизим сифатидаўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштиришда инновацион таълим технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти таҳлил этилган. ...

Keywords: Таълим-тарбия жараёни, технологик таълим, технологик таълим жараёнлари, педагогик тизим, профессионал таълим, таълимни бошқариш, инновацион таълим, инновацион таълим, инновацион таълим муносабатлари.

Received: 21-02-2023

Accepted: 22-02-2023

Published: 22-02-2023

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Abstract: В данной научной статье рассматриваются особенности организации и управления процессами технологического образования, организованными в общеобразовательной средней школе как педагогической системе. Также анализируется важность использования инновационных образовательных технологий в совершенствовании механизмов организации и управления технологическими образовательными процессами.

Keywords: Образовательный процесс, технологическое образование, технологические образовательные процессы, педагогическая система, профессиональное образование, образовательный менеджмент, инновационное образование, инновационное образование, инновационные образовательные отношения.

Received: 21-02-2023

Accepted: 22-02-2023

Published: 22-02-2023

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.



Abstract: This scientific article discusses the features of the organization and management of technological education processes organized in a general education secondary school as a pedagogical system. The importance of using innovative educational technologies in improving the mechanisms for organizing and managing technological educational processes is also analyzed.

Keywords: Educational process, technological education, technological educational processes, pedagogical system, vocational education, educational management, innovative education, innovative education, innovative educational relations.

Received: 21-02-2023

Accepted: 22-02-2023

Published: 22-02-2023

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Кириш. Инсон шахсининг ривожланишида унинг мустақил фаолияти, мустақил таълим маълумотларини олиши ва мустақил маълумотлар олиши ҳамда ўзини ўзи тарбиялаш жараёни муҳим аҳамиятга эга. Таълим ва тарбия жараёнлари, таълим - мустақил таълим, тарбия - ўзини ўзи тарбия, маълумот-мустақил маълумот ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари кишилиқ жамиятининг муҳим унсурларидан биридир.

УЎТМ(умумий ўрта таълим мактаблари)да дарс машғулотларини ташкил этишда шахслараро муносабатлар, ўқувчи-ўқувчи ва ўқитувчи-ўқувчи шахсининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи тарбиявий муносабатлар дарс жараёнида амалга оширилади.

Ушбу таълим-тарбия жараёни замирида технологик таълим жараёнларни ташкил этиш методларини ўрганиш ва уни бошқариш фаолияти такомиллаштириш масалаларини ўрганиш таълим тизимининг асосий вазифасидир.

Шу нуқтаи назардан юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълим-тарбия жараёнларининг изчиллиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш механизмларини ҳамда ушбу жараён самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Ривожланган хорижий мамлакатларида технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнларида қўлланилаётган инновацион таълим технологиялари ва инновацион ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, таълим муассасаларида ташкил этиладиган дарс ва дарсдан ташқари таълим жараёнларини мураккаб педагогик тизим сифатида кўриб чиқиш ҳамда таълим тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини педагогик тизим хусусиятларига мувофиқ такомиллаштириш зарурияти мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар жараёнларида ҳам умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш методларини ишлаб чиқишда ва инновацион ҳарактердаги тизимли ёндашув асосида тубдан такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда объектив эҳтиёжга айланмоқда[1-5].

Тадқиқотнинг мақсади. УЎТМда технологик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш механизмларини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштиришнинг ўзига ҳослигини назарда тутати.

Тадқиқот методологияси. УЎТМда ташкил этиладиган технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштиришда **дарс шакллари** (*маъруза, семинар, амалий, лаборатория машғулотлари, экскурсия* ва бошқалар), **дарс методлари**(анъанавий, ноанъанавий, интерфаол ва замонавий), **дарс воситалари**(ахборот коммуникацион технологиялари(АКТ), таълимнинг техник воситалари (ТТВ), ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ) ва ўқув-услубий материаллар (ЎУМ) дан фойдаланиш ва технология фанини ўқитишда ўқувчиларнинг билим,

кўникма, малакаларини шакллантириш ва компетенцияларини ривожлантириш жараёнида мақбул бўлган инновацион таълим технологияларини технологик таълим жараёнларига тадбиқ этиш ўқувчилар билими сифати ва таълим самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга.

Шунингдек, дарсдан ташқари ташкил этиладиган тадбирлар (*давра суҳбати, учрашув, турли мусобақа ва танловлар, конференция ва ҳ.к.*), мустақил таълим ҳамда тарбиявий муносабатлар (*инсон-инсон, инсон-техника-инсон, инсон-китоб-инсон, инсон-табиат-инсон, инсон-санъат-инсон* каби тарбиявий муносабатлар) жараёнларини ўрганишни яхлит педагогик тизим (*динамик тизим*) кўринишида тасаввур қилиб лойиҳалаштирилади.

Таълим ва тарбия жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда алоқадорлигини яхлит ҳолда тушуниш зарурияти УЎТМ технология фанини ўқитишда технологик таълим жараёнларини ташкил этишнинг бир бутун тизимга хос хусусиятларга эга эканлиги билан изоҳланади.

Кўпгина тадқиқотларда “тизим” тушунчаси турлича тавсифланади, масалан, “Кўзланган мақсадга эришиш учун йўналтирилган ўзаро таъсир ва ўзаро муносабатларнинг мажмуини тизим деб аташ мумкин”, – деб келтирилади [6].

Айрим тадқиқотчилар эса таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш белгиланган мақсадларга эришишга хизмат қилувчи турли структуравий ва функционал боғлиқ бўлган компонентлар йиғиндисини ижтимоий тизимнинг бири ҳисобланган **педагогик тизим** сифатида эътироф этади [7].

Демак, юқорида олимлар томонидан берилган таърифларга кўра ўзаро боғлиқ ва алоқадор ҳисобланган таълим ва тарбия жараёнлари ўқувчи шахсининг ривожланишида муҳим роль ўйнайди ва шу билан бирга таълим-тарбия жараёни билан технологик таълим жараёнларини ташкил тэтиш ва бошқариш фаолияти мазмунан бир хил маънони англатади. Чунки, мазкур жараёнлар, **биринчидан**, таълим-тарбия жараёнини ва технологик таълим жараёнларини ўқувчилар томонидан ўрганилиши, **иккинчидан эса**, ўзлаштирилиши бўлиб, уларнинг ижтимоий ҳаётга қўшилишларини таъминлаб берувчи яхлит жараён деб қаралади. Демак, таълим ва тарбия жараёнлари ва технологик таълим жараёнларини ҳақида ўқувчиларда деярли бир хил фикрлар, шахсий хислатлар, инсоний фазилатлар ва ўқувчилар дунёқарашининг ривожланишини таъминловчи восита бўлиб хизмат қилади.

Шундай экан, ўзаро таъсир кўрсатувчи (*таълим-тарбия ва технологик таълим жараёнлар*) таркибий қисмларнинг алоқадорлиги ва узвий боғлиқлиги жараёнларнинг ташкил этувчи қисмларнинг бирлиги тизимга хос

хусусиятларидан бири бўлиб, тизимнинг яхлитликни ифодалайди деб ҳулосага келиш мумкин.

Тизимга хос хусусиятларга эга бўлган **тарбия** – *ўзини ўзи тарбия*, **маълумот** – мустақил маълумот, **таълим** – мустақил таълим, ривожланиш ва **тарбиявий муносабатлар** тушунчалари бир-бирини тўлдирувчи ва таъминловчиси сифатида шахснинг ривожланиши ҳамда шахсий қобилиятларини шакллантириш учун хизмат қилиш баробарида оилада, маҳалла, таълим муассасаларида ва тенгдошлар ўртасида вужудга келувчи ўзаро таъсир жараёнларини ҳам худди таълим-тарбия ва технологик таълим жараёнлари компонентлари сифатида қараш мумкин[8,9].

Юқорида келтирилган фикрлар, ўқувчи шахсининг ривожланишида унинг фаоллиги, мустақил фикрлаши, мустақил фаолияти, яъни мустақил таълим ва мустақил маълумотлар олиши ҳамда ўзини ўзи тарбиялашга хизмат қилувчи жараёнлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, инсонлар ўртасидаги ўзаро таъсир инсон психологияси ва шахсий хусусиятларини ривожланишининг энг асосий омили бўлиб, мазкур жараён иштирокчиларининг ўзаро тенг ҳаракатлари шахслараро алоқаларнинг вужудга келиш шарти ҳисобланади.

Ўзаро таъсир жараёни инсон фаоллигининг кўриниши сифатида, мулоқотнинг интерфаол шакли ва индивид фаолиятининг маълум бир тури сифатида мустақил аҳамият касб этувчи жараён [10-12], бевосита ёки билвосита мулоқот ўзаро таъсир жараёнида вужудга келади ва бунда инсон ўзини ўзи англайди, ўз эҳтиёжини, шахсий ҳаётий тушунчаларини, фаоллигини намоён этади [13].

Ўзаро таъсир жараёнида иштирок этаётган инсон нафақат ўзини ва шахсий хусусиятларини, балки аниқ ҳолатни, вазиятни ҳам ўзгаришига таъсир кўрсатади, бунда ўзаро таъсир кўрсатувчи субъектларнинг ривожланиши амалга ошади, шунингдек, ўзаро таъсир жараёни ҳам ривожланади.

Тизимга хос хусусиятларга эга бўлган жараёнлардан бири сифатида ўзаро таъсир жараёнининг аҳамияти қуйидаги натижаларга эришилганда намоён бўлади:

- ўқувчининг фаоллиги, ўқитувчининг ижодкорлигининг ривожланиши;
- ўқувчи шахсининг психологик хусусиятларининг ўзгариши;
- ўқитувчининг инновацион ёндашувларга хос тушунчалари ривожланиши;
- ўқувчида ўзини ўзи англаш, ўқитувчида ўзини ўзи баҳолаш кўникмаларининг ривожланиши;
- ўқитувчининг касбий компетентлилик даражасини ортиши;

- субъектлар ўртасида ҳамкорликдаги фаолиятни вужудга келиши ва унда ахборотлар алмашинуви натижасида касбий фаолиятга психологик мослашувнинг ривожланиши.

Ўзаро таъсир жараёнида ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро таъсир натижасида тарбиявий аҳамият касб этувчи бир қатор илмий амалий аҳамият касб этувчи жараёнлар шаклланади. Тадқиқотларда мазкур жараёнлар тарбиявий муносабатлар жараёнлари деб келтирилади.

С.Т.Турғуновнинг тадқиқот ишида тарбиявий муносабатлар инсонларнинг ўзаро тажриба алмашиниши, тажрибаларни ўзлаштириши, қўллаши, улар ўртасидаги доимий муносабат, яъни алоқалар тизими сифатида келтирилади. Тадқиқотчининг таъкидлашича, тарбиявий муносабатлар шаклида вужудга келадиган жараёнларда ўқувчи иккинчи бир ўқувчига, ўқитувчи иккинчи бир ўқитувчига ёки ўқувчи ўқитувчига, кўпроқ ўқитувчи ўқувчига бевосита ва билвосита ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ёки воситалар ёрдамида таъсир ўтказиши мумкин.

Тарбиявий муносабатлар ўқувчи шахсини ривожлантиришга, яъни кўпгина ҳолатларда мустақил маълумот, мустақил таълим олиш ва ўзини ўзи тарбиялашга хизмат қилади. Тарбиявий муносабатлар жараёнларида ўқитувчининг билими, муомала ва мулоқот маданияти, кийиниши, гавда ҳаракатлари, қобилияти, фан-техника, санъат, табиатга бўлган муносабати ҳамда қизиқиши ўқувчиларга ва уларнинг салоҳиятига, яъни фикрлаши, тасавури, дунёқарашининг ўзгаришига ҳамда тафаккурининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади [14].

Демак, тарбиявий муносабатлар жараёнлари ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган эҳтиёжи ва ўзи ҳақидаги объектив фикрларининг шаклланиши ҳамда ривожланишига, хатти-ҳаракати ва дунёқарашининг ўзгаришига, қизиқишининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи таълимий муҳит сифатида хизмат қилади.

Хулоса. Юқорида изоҳланган фикрлардан УЎТМ да ташкил этиладиган технологик таълим жараёнлари яхлит педагогик тизим сифатида ўзига хос хусусиятларга кўра қуйидагича хулосага келиш мумкин:

- дарс шакллари (*маъруза, семинар, амалий, лаборатория машғулоти, экскурсия* ва бошқалар), дарс методлари (*анъанавий, ноанъанавий, интерфаол* ва *замонавий*), дарс воситалари (*ахборот коммуникацион технологиялари (АКТ), таълимнинг техник воситалари (ТТВ), ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ)* ва *ўқув-услубий материаллар (ЎУМ)* дан фойдаланиш ва технология фанини ўқитишда ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини шакллантириш ва компетенцияларини ривожлантириш жараёнида мақбул бўлган инновацион таълим технологияларини технологик таълим

жараёнларига тадбиқ этиш ўқувчилар билими сифати ва таълим самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга;

- ўзаро таъсир кўрсатувчи (*таълим-тарбия ва технологик таълим жараёнлар*) таркибий қисмларнинг алоқадорлиги ва узвий боғлиқлиги жараёнларнинг ташкил этувчи қисмларнинг яхлитлигини ифодалайди ва тизимга хос хусусиятларга эга бўлган жараёнлардан бири сифатида ўзаро таъсир жараёнининг аҳамияти изоҳлаб берилган;

- тарбиявий муносабатлар жараёнлари ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган эҳтиёжи ва ўзи ҳақидаги объектив фикрларининг шаклланиши ҳамда ривожланишига, хатти-ҳаракати ва дунёқарашининг ўзгаришига, қизиқишининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи таълимий муҳит сифатида хизмат қилади.

ФОДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзб.Респ. Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, - 2009 - 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. // – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. – Б. 31-61.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
6. Сергеева В.В. Управление образовательными системами. – М.: Новая школа, 2000. – С. 27.
7. Турғунов С.Т. Таълим муассасаси раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигининг назарий асослари // Касб-хунар таълими. 2006. № 1. 3-4-б.
8. Аҳмедов М.М., Хожикаримова Г.Т., Тешабоев З.А./ Education system - integrated process // International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE) Vol 14, Issue 03 2022. 4211-4214.
9. Аҳмедов М.М., Хожикаримова Г.Т., Тешабоев З.А./ Didactic features of the method of preparation of "Innovative development of the topic" based on the principle of "Lifelong learning" in the organization and improvement of

management activities of technological educational processes.// Modern journal of social sciences and humanities. Issue vol. 4. (2022) 567-573

10. Тешабоев З.А. Технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқарув фаолияти механизмини такомиллаштириш./ НамДУ илмий хабарномаси./ № 3 – 2022 йил 620-624 бетлар

11. Леонтьев Д.А. Методика изучения ценностных ориентаций. - М.,1992 – 170 с.

12. Секреты умелого руководителя / сост. И.В. Липшиц. - М.: Экономика, 1991. - 320 с.

13. Секреты умелого руководителя /сост. И.В. Липшиц. М.: Экономика,1991.15 б.

14. Турғунов С.Т. Бошқарув жараёнида тарбиявий муносабатлар// Мактаб ва ҳаёт. -2006 № 1 21-23 б.